

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Fil/Ped.83.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ**

**РАХИМОВ АБРОР АХМАДОВИЧ**

**ИККИЛАМЧИ НОМИНАТИВ БИРЛИКЛАРНИ ҲОСИЛ ҚИЛУВЧИ  
ЛИНГВОКОГНИТИВ ВОСИТАЛАР ТАДҚИҚИ  
(Инглиз ва ўзбек тиллари мисолида)**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on philological sciences**

**Рахимов Аброр Ахмадович**

Иккиламчи номинатив бирликларни ҳосил қилувчи лингвокогнитив  
воситалар тадқиқи (инглиз ва ўзбек тиллари мисолида).....3

**Рахимов Аброр Ахмадович**

Исследование лингвокогнитивных средств, формирующих вторичные  
номинативные единицы (на примере английских и узбекских языков).....29

**Rahimov Abror Ahmadovich**

Research of lingvocognitive means forming secondary nominative units  
(on the Uzbek and English material) .....55

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works .....60

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Fil/Ped.83.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ**

**РАХИМОВ АБРОР АХМАДОВИЧ**

**ИККИЛАМЧИ НОМИНАТИВ БИРЛИКЛАРНИ ҲОСИЛ ҚИЛУВЧИ  
ЛИНГВОКОГНИТИВ ВОСИТАЛАР ТАДҚИҚИ  
(Инглиз ва ўзбек тиллари мисолида)**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Fil473 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат чет тиллар институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида [www.samdchti.uz](http://www.samdchti.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** Сафаров Шаҳриёр Сафарович  
филология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** Ризаев Баходир Хайдарович  
филология фанлари доктори, профессор  
Даниева Майсара Джамаловна  
PhD, доцент

**Етакчи ташкилот:** Тошкент давлат Ўзбек тили ва адабиёти университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат чет тиллар институти ҳузуридаги илмий даража берувчи PhD.03/30.12.2019.Fil/Ped.83.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «12» август соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 140104, Ўзбекистон, Самарқанд, Бўстонсарой кўчаси, 93-уй. Тел: (99866) 238-29-37; факс: (99878) 210-00-18; e-mail: [info@samdchti.uz](mailto:info@samdchti.uz)).

Диссертация билан Самарқанд Давлат чет тиллар институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Ўзбекистон, Самарқанд, Бўстонсарой кўчаси, 93-уй. Тел: (99866) 238-29-37.

Диссертация автореферати 2020 йил «29» июл куни тарқатилди.  
(2020 йил «29» июл даги № 7 рақамли реестр баённомаси).



**И.М. Тухтасинов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси педагогика ф.д., доцент

**А.А. Яхшиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, филологи.ф.н., доцент

**Н.К. Турниёзов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

## **КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон тилшунослигида систем-структур тилшуносликдан кейин юзага кела бошлаган генератив назария, психолингвистика, лингвокогнитология, лингвокультурология, прагматингвистика ва компьютер лингвистикаси сингари замонавий йўналишларда ишлаб чиқилган антропоцентрик тамойиллар ва тадқиқот усуллари тил ёки нутқ бирликларини лингвистик таҳлил қилиш орқали инсон лисоний фаолияти ҳақида тўлақонли тасаввур ҳосил қилиб бўлмаслигини кўрсатмоқда. Ушбу ёндашувларга кўра, тил фаолиятини антропоцентрик талқин қилишнинг муҳим шартларидан бири инсоншунослик фанларида қўлга киритилган натижа ва ютуқларни лисоний фаолият тадқиқига жалб этган ҳолда, мазкур фаолиятнинг самарали кечишини таъминлайдиган воситаларни ўрганиш билан боғлиқдир.

Дунё тилшунослиги амалиётида инсон когнитив қобилятининг “бири иккинчисини келтириб чиқариш” тамойили асосида ўз функционал фаоллигига эга бўлиши, ушбу тамойилнинг “дискурсив-синергетик” жараён тасарруфида кечиши, мазкур дискурсив-синергетик механизм ҳамда номинатив мақсад ва манба мақомидаги концептлар когнитив интеграциясига асосланувчи идрокий когнитив моделда ўз аксини топиши ҳақидаги қайдлар лингвокогнитив воситалар тадқиқига эътибор қаратиш заруратидан дарак беради.

Мустақиллик миллий тилшуносликни жаҳондаги илғор мезонлар асосида ривожлантириш учун зарур бўлган барча шароитларни яратиши билан бирга, ушбу мезонларга кўп асрлик миллий дуёқарашимиздан келиб чиқиб муносабат билдириш масъулиятини ҳам юклайди. Ушбу масъулият лисоний фаолиятнинг лингвокогнитив воситаларига оид замонавий йўналишларда илгари сурилган ғояларга ҳамда номинация назариясининг анъанавий эволюцион талқинларига Форобий, Ибн Сино каби буюк аждодларимизнинг қарашлари ҳамда улар билан ҳамфикр бўлган В. фон Гумбольдт таълимоти ва кейинги психолингвистик, лингвокогнитологик изланишларда билдирилган фикрлардан келиб чиқиб муносабат билдиришни талаб қилади. Иккиламчи номинантларни ҳосил қилувчи воситаларнинг лингвокогнитив асосларини белгилаш имконини яратадиган бундай кўламдаги изланишни амалга ошириш учун тилда мавжуд бўлган номинантлардан ташқари нутқ онтогенезига оид диффуз номлар ҳам тадқиқот жараёнига жалб этилмоғи лозим. Мамлакатимизда хорижий тилларни халқаро дастурлар асосида ўқитишни йўлга қўйиш масаласи долзарб бўлиб турган айни даврда бундай идрокий-когнитив модел, дискурсив-синергетик механизм ва моделлар юзасидан олиб борилган тадқиқотлар муҳим манба бўлиб хизмат қилиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг «Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармонида белгиланган «халқаро тажрибалардан келиб чиқиб, олий таълимнинг илғор стандартларини жорий этиш, жумладан ўқув дастурларида назарий билим

олишга йўналтирилган таълимдан амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилган таълим тизимига босқичма-босқич ўтиш»<sup>1</sup> вазифасининг ижросини таъминлашда ҳам шундай кўламдаги қиёсий изланиш натижалари зарур бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 2018 йил 5 июндаги «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг камровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3775-сонли ва 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909-сонли Қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5847-сонли Фармони, шунингдек, мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Диссертация республика фан ва технологиялар тараққиётининг: I.«Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Тилнинг луғавий бирликлари узвий боғлиқ бўлган номинантлар замирида яширинган сир-синоатларни очишга бўлган илк интилишлар нарса ва ном муносабатига доир антик давр тилшуносликда юзага келган бўлиб, ханузга қадар давом этиб келаётган ушбу мунозараларга Форобий, Ибн Сино каби бобокалонларимиз ҳамда Европа файласуфлари ҳам ўз муносабатларини билдиришган. Ушбу фалсафий қарашларнинг инсон лисоний қобилияти ва фаолияти билан боғланиши В. фон Гумбольдтнинг номи билан боғлиқдир<sup>2</sup>.

Шунингдек, номинациянинг лингвопсихологик асосларини белгилашда А.А.Потебня, Л.С. Выготский, А.Р.Лурия<sup>3</sup> кабиларнинг илмий изланишлари, унинг фаолият мезонлари, деривацион тамойиллар, рационал-генератив ва лингвокогнитив асосларини белгилашда Н.Хомский, В.Эванс, Ж.Лакофф, М.Жонсон, А.А.Уфимцева, Н.Д.Арутюнова, А.Г.Гак, Н.В. Телия, Е.С. Кубрякова, Н.Н. Болдырев, А.Ҳожиёв, Ў.Қ.Юсупов, М.М.Миртожиев, А.Нурмонов, Н.Махмудов, Ш.Сафаров каби тилшуносларнинг илмий

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847сонли «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони; Халқ сўзи, 09.10.2019. № 209 (7439).

<sup>2</sup> Аль-Фараби Абу Наср Мухаммед. О разуме и науке. - Алма-Ата: Наука, 1975. - 136 с.; Сина ибн. Избранные философские произведения. - М.: Наука, 1980.- 554 с.; Гумбольдт В. Язык и философия культуры. М.: Прогресс, 1985. - 452 с.

<sup>3</sup> Потебня А.А. Из записок по русской грамматике// Хрестоматия по истории русского языкознания. - М.: Высшая школа,1973. - 274 с.; Выготский Л.С. Мышление и речь. Изд. 5, испр. - М.: Лабиринт, 1999. — 352 с.; Лурия А. Р. Язык и сознание./ Под редакцией Е. Д. Хомской. - М: Изд-во Моск. ун-та, 1979 - 320 с.

тадқиқотлари ҳамда номинатив фаолият бўйича ҳимоя қилинган диссертациялар<sup>4</sup> илмий манба сифатида муҳим аҳамият касб этади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий тадқиқот муассасаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Тадқиқот Самарқанд давлат чет тиллар институтининг “Замонавий тилшунослик ва лингводидактиканинг коммуникатив аспектлари” мавзусидаги илмий-тадқиқот режаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Диссертация мавзуси орқали қўйилган асосий мақсад: иккиламчи номинатив бирликларни ҳосил қилувчи лингвокогнитив воситаларни номинатив фаолиятнинг когнитив ва концептуал босқичлари билан боғлиқ ҳолда тадқиқ этишдир.

**Тадқиқотнинг вазифалари** куйидагиларни белгилаш билан боғлиқ: иккиламчи номинатив воситаларнинг фаолият мезонлари ва деривацион тавсифига доир илмий манбаларни жамлаш ва улардаги энг муҳим ғояларни муҳокамадан ўтказиш;

нутқ онтогенезига оид психолингвистик ва лингвокогнитив изланишларда келтирилган туб сўзлар, диффуз номларга оид таҳлилий маълумотларни иккиламчи номинатив бирликлар билан қиёслаш асосида номинациянинг когнитив ва концептуал фазаларига хос дискурсив-синергетик изчиллигини таъминловчи идрокий когнитив моделларни ажратиш;

инглиз ва ўзбек тилларидаги “man/одам” концептосферасига мансуб лексик ва семантик номинантларни тавсифлаш тўплаш ва тизимлаштириш;

инглиз ва ўзбек тилларидаги “X билан алоқадор Y” пропозициясига асослануви идрокий когнитив моделларга хос когнитив-дискурсив хусусиятлар қиёси асосида тавсифлаш;

---

<sup>4</sup> Хомский Н. Язык и мышление. М.: Изд. МГУ, 1972.; Evans V., Melanie G. Cognitive Linguistics: An Introduction. - Edinburgh University Press, 2006 – 830 p.; Lakoff, G., Johnson, M. Metaphors we live by. 2nd edition - The University of Chicago Press, 2003. – 256 p.; Арутюнова Н.Д. Язык и мир человека. 2-е изд., испр. — М.: Языки русской культуры, 1999. — I-XV, 896 с.; Уфимцева А.А. Лексическая номинация (Первичная номинация); Языковая номинация. Виды наименований. - М., 1977. – 359с.; Гак В. Г. Сопоставительная лексикология: на материале французского и русского языков – М. : Междунар. отношения, 1977. – 264 с.; Телия В.Н. (отв. ред.) Метафора в языке и тексте - М.: Наука, 1988. — 176 с.; Болдырев Н.Н. Когнитивная семантика: Курс лекций по английской филологии. Тамбов: Изд-во Тамб. ун-та, 2001. Изд. 2-е, стер. 123 с.; Кубрякова Е.С. Язык и знание, (на пути получения знаний о языке: части речи с когнитивной точки зрения, роль языка в познании мира). - М.: Языки славянской культуры, 2004. - 560 с.; Ҳожиёв А. Ўзбек тили сўз ясаиш тизими. – Тошкент: Ўқитувчи, 2007. – 168 б.; Юсупов Ў.Қ. Тилшуносликдаги янги йўналишлар хусусида// Тилшуносликдаги янги йўналишлар ва уларнинг муаммолари. Илмий-амалий семинар материаллари, - Т.: ЎзМУ, 2013. - Б. 251-258.; Миртожиёв М.М. Ўзбек тили семасиологияси. – Тошкент: Mumtoz soʻz, 2010 – 288 б.; А. Нурмонов, Н. Маҳмудов ва б. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. – Т.: “Фан”, 1992. – 294 б.; Сафаров Ш. Тил назарияси ва лингвометодология. – Т.: “Баёз”, 2015. – 248 б.; Мочалина К. Н. Соотношение мотивированности, условности и произвольности в знаковой структуре идиоматических номинативных единиц английского языка : диссертация ... кандидата филологических наук.- Самара, 2009.- 200 с.; Юлдашев А. Г. Идиоматик қўшма сўзларнинг лингвокогнитив аспекти (инглиз ва ўзбек тиллари мисолида) Фил. фан. ном. ... дис. автореф. - Т.:ЎзДЖТУ, 2017. - 47 б.; Шепелева Д. А. Когнитивные аспекты семантики сложного слова "существительное + существительное" в современном английском языке : диссертация ... кандидата филологических наук. - Тамбов, 2008. - 198 с.; Телегин Л.А. Безаффиксальная транспозиция и влияние на процесс деривации в современном английском языке: Дис. ... док. фил. наук. – Самарқанд, 1992. – 259 с.

“X билан алоқадор Y” пропозициясига асосланувчи идрокий когнитив моделларнинг дискурсив-синергетик изчиллигини метонимия, метафора, конверсия каби семантик, форматив ҳамда композицион ҳосила номинантлар кўламида белгилаш ва уларнинг табиатини очиб бериш.

**Тадқиқот объекти.** Инглиз ва ўзбек тилларидаги “man/одам” концептосферасига мансуб иккиламчи лексик ва семантик номинантлар.

**Тадқиқот предмети.** Иккиламчи номинациянинг лексик ва семантик воситаларига хос лингвокогнитив асосларини когнитив-дискурсив, дискурсив-синергетик ва деривацион талқинлар асосида ёритиш.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда тавсифий, чоғиштирма-типологик, систем-структур, статистик, когнитив-дискурсив, дискурсив-синергетик, номинатив-деривацион каби таҳлил усуллари қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагиларда кўзга ташланади:

номинация ҳар бир тил соҳиби ўз лисоний фаолияти мобайнида босиб ўтиши шарт бўлган когнитив ва концептуал фазалар дискурсив-синергетик изчиллигига асосланувчи фаолият сифатида ўрганилган;

иккиламчи номинатив воситага хос умумий лингвокогнитив асослар нутқ онтогенезига оид диффуз номлар, туб ва ясама номинантлар учун муштарак бўлган “X билан алоқадор Y” когнитив-дискурсив қурилма орқали белгиланган;

инглиз ва ўзбек тилларидаги “man/одам” концептосферасига мансуб метонимик, метафорик ва конверсив номинантларга хос когнитив ва концептуал асослар қиёси асосида иккиламчи номинация воситаларнинг ички дискурсив-синергетик изчиллигида семантик воситаларнинг етакчилик қилиши далилланган;

инглиз ва ўзбек тилларидаги “man/одам” концептосферасига мансуб форматив ҳамда эндоцентрик, экзоцентрик ва идиоматик типли композитив номинантларнинг қиёсидан келиб чиқиб лексик воситаларга хос лингвокогнитив моделларнинг семантик воситалар функционал фаоллигида шаклланган когнитив-дискурсив қурилмалар билан генетик боғлиқлиги асосланган;

янги ўқув адабиётларини яратишда “сўз ясалиши” мавзуси ўрнига “номинатив деривация” мавзусини киритган ҳолда талабаларга номинатив деривация ҳақида уйғунлашган билим беришни йўлга қўйиш орқали лингвистиканинг замонавий йўналишлари билан боғланиш имконини яратишнинг анъанавий сўз ясалишига нисбатан самарали эканлиги исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари.** Диссертация натижалари филология – хорижий тиллар, ўзбек тили таълим йўналишларида анъанавий сўз ясалишига нисбатан номинатив деривация бўйича кенгроқ билим олиш имконини яратишда, “Назарий тилшунослик” фанига оид мавзуларни чуқур ўзлаштиришда, магистратура мутахассисликларида “Тилшуносликнинг замонавий йўналишлари” фани бўйича ўқув адабиётлари яратишда ҳамда мактабгача ва бошланғич таълим босқичларида хорижий тилларни ўқитиш йўналишларига нутқ онтогенезига оид мавзуларни киритишда ва номинатив



фаолият бўйича илмий изланишлар олиб боришда муҳим манба бўлиб хизмат қилиши мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланган ёндашув ва усулларнинг замонавий лингвистик назарияларга мослиги ҳамда методологик жиҳатдан асосланганлиги, тадқиқ материалининг ишончли манбалардан олинганлиги, муаммонинг аниқ шакллантирилганлиги, хулосаларнинг қатъийлиги, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижалар жорийланишининг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тил тизимидаги номинантлар ва нутқ онтогенезида ҳосил қилинадиган диффуз номларнинг когнитив-дискурсив қиёси улар замирида атомар предикат воситасида мақсад ва манба мақомидаги концептлар интеграциясига асосланувчи “X билан алоқадор Y” пропозиция ётиши нуқтаи назаридан муштараклигини кўрсатади. Хусусан, “би-би” диффуз номи замирида “сигнал белгиси билан алоқадор машина”, “қўш” туб номинанти замирида “бир жуфт хўкиз билан алоқадор қўш”, “боғбон” номинанти замирида “боғ парвариши билан алоқадор шахс” каби бутун-қисм муносабатига асосланувчи номинатив маъно ушбу пропозиция муштаракликдан дарак беради.

Ушбу типик тузилманинг бевосита концепт ва ном ҳосил қилиш жараёни билан алоқадор туб ва диффуз номларда кузатилиши номинативнинг когнитив фазасини белгилаш имконини яратса, унинг иккиламчи номинатив воситаларда ҳам ўз аксини топиши ушбу типик тузилманинг прототип манба сифатида иккиламчи дискурсив-синергетик изчилликларни ташкил қилиши хусусиятига эга бўлган идрокий когнитив моделлар эканидан далолат беради. Иккиламчи номинатив воситаларни бевосита концепт ва ном ҳосил қилиш асосида эмас, балки мавжуд концептлар деривацион комбинацияси асосида ҳосил қилиниши эса уларни концептуал фазага хос маҳсулот сифатида талқин этиш лозимлигига ишора қилади.

Диссертацияда қайд этилган ушбу илмий натижалар иккиламчи номинатив воситаларга хос лингвокогнитив асосларни номинатив фаолиятнинг диахрон ва синхрон тадрижиятига асосланувчи деривацион тамойиллар асосида эмас, балки ҳар бир тил соҳибининг ўз лисоний фаолияти мобайнида босиб ўтиши шарт бўлган когнитив ва концептуал фазалар дискурсив-синергетик изчиллиги асосида белгилашни тақозо этади. Мазкур натижаларнинг амалий аҳамияти эса янги ўқув адабиётларини яратишда “сўз ясаши” ўрнига “номинатив деривация” мавзусини киритиш ва талабаларга номинатив деривация ҳақида уйғунлашган билим бериш орқали лингвистиканинг замонавий йўналишлари билан боғланиш имконини яратишида кўзга ташланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Номинациянинг мантиқий, рационал-генератив, лингвопсихологик, нейролингвистик ва лингвокогнитив моҳиятига оид илмий изланишлар ҳамда фаолият мезонлари ва деривацион талқинларига доир тажрибаларга таяниб ишлаб чиқилган илмий ва амалий натижалар асосида:

инглиз ва ўзбек тилларидаги “man/одам” концептосферасига мансуб иккиламчи номинантларнинг лексик ва семантик деривацияларга муносабатига оид таҳлилий мулоҳазалардан ОТ-Ф8-062 «Тил тараққиётининг деривацион қонуниятлари» (2007-2011) фундаментал лойиҳасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 17-июлдаги 89-03-2600 сон маълумотномаси). Тадқиқотнинг илмий натижалари “man/одам” концептосферасига мансуб лексик ва семантик номинантлар замирида ётадиган функционал-коммуникатив структураларни ёритиш имконини берган;

инглиз ва ўзбек тилларидаги “man/одам” концептосферасига мансуб иккиламчи номинантларнинг нутқ онтогенезига оид диффуз номлар ва туб сўзлар билан қиёсий таҳлили асосида аниқланган когнитив-дискурсив моделлар ва дискурсив-синергетик тамойиллардан ОТ-Ф8-002 рақамли «Ҳозирги замон цивилизациясининг инсон ижтимоий қиёфасига таъсири» фундаментал лойиҳасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 17-июлдаги 89-03-2600 сон маълумотномаси). Тадқиқотнинг илмий натижалари замонавий цивилизация шароитида юзага келадиган креатив ғояларни рўёбга чиқариш имконини яратадиган лексик ва семантик воситаларнинг ўз лингвокогнитив асосига нутқ онтогенезига оид диффуз номларни ҳосил қилиш билан бирга шаклландиган когнитив-дискурсив моделларнинг дискурсив-синергетик изчиллиги орқали эга бўлишига кўра тиллараро муштарак бўлган тамойилларни белгилаш имконини яратган;

номинатив фаолиятнинг когнитив ва концептуал фазаларига хос дискурсив-синергетик изчиллигини белгилаш имконини яратадиган “X билан алоқадор Y” инвариант идеал когнитив моделларнинг симметрик, асимметрик ва симулятив импликациялар билан боғлиқ ҳолда вариантланишига оид механизмлардан И-204-4-5 «Инглиз тили мутахассислик предметларидан ахборот-коммуникацион технологиялари асосида виртуал ресурслар яратиш ва ўқув жараёнига жорий этиш» инновацион лойиҳасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 17-июлдаги 89-03-2600 сон маълумотномаси). Тадқиқот натижалари нутқ онтогенезига оид диффуз номлар замирида ётадиган “X билан алоқадор Y” инвариант моделининг лексик ва семантик номинантларда дискурсив-синергетик вариантланишини эътиборга олиб, хорижий тилларни ўқитишда алгоритмик усулларни татбиқ этиш тавсия қилинган;

нарса ва ном муносабатига оид мунозара ҳамда муҳокамаларда Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино каби буюк аждодлар томонидан билдирилган фикрларнинг ахамияти, уларнинг Ғарб ва Шарқ лингвофалсафаси ривожига тутган ўрнига оид таҳлилий мулоҳазалар Самарқанд вилоят радиосининг 2020 йил 2-июндаги «Долзарб мавзу» эшиттиришининг сценарийсига киритилган ва уни тайёрлашда фойдаланилган (Самарқанд вилоят телерадиокомпаниясининг 2020 йил 1 июндаги 09-01/202-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижалари туғма қобилиятнинг фаоллашувида эмпирик ва рационал воситаларнинг иштироки ҳақида Форобий, Ибн

Синоларнинг фикрлари В.фон Гумбольдт, А.А. Потебня ҳамда кейинги лингвопсихологик, лингвокогнитив изланишлар билан муштараклигини тушуниш имконини оширишга хизмат қилган;

инглиз ва ўзбек тилларидаги “man/одам” концептосферасига мансуб лексик ва семантик номинантларнинг луғатлардан тўплаб тизимлаштирилган натижалари Муҳаммад ал Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиали “5330500 – Компьютер инжиниринги” (АТ - сервис), “5111000 – Касбий таълим” (иформатика ва ахборот технологиялари), 5311300 – “Телекоммуникация”, “5610600 – Хизмат кўрсатиш техникаси ва технологияси” (хизмат кўрсатиш тармоқлари бўйича) бакалаврият таълим йўналишлари мутахассисларининг малака талабларига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 17-июлдаги 89-03-2600 сон маълумотномаси). Ишда жамланган номинатив бирликлар ва уларга хос когнитив-дискурсив моделлар электрон луғатлар яратиш билан боғлиқ амалий машғулотларда ҳамда хорижий тилларга оид ўқув мажмуаларини тузишда инобатга олинган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот иши натижалари 6 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича 22 та илмий мақола ва тезис нашр этилган. Шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 3 таси хорижий ва 6 таси республика журналларида эълон қилинган.

**Диссертация тузилиши ва ҳажми.** Диссертациянинг таркиби кириш, учта боб, боблар бўйича хулосалар, ишнинг хулосаси, фойдаланилган илмий ва бадиий адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 164 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш.** Диссертациянинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр қилинган ишлар ва ишнинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби “**Номинатив фаолият воситаларининг лингвокогнитив асослари ва илмий талқинлари**” деб номланади. Унинг “Номинатив фаолият воситаларининг рационал-генератив ва эмпирик-рационал талқинлари” деб номланган биринчи қисмида нарса ва ном муносабатига оид натурфалсафа ва вулгар антропологияда юзага келган

зиддиятли қарашлар, туғма қобилиятнинг фаоллашувида сенсуал-эмпирик ва рационал-генератив воситаларнинг тутган ўрнини белгилашга оид мунозараларнинг вужудга келиш сабаблари, мазмун-моҳияти хусусида сўз юритилади.

В. фон Гумбольдт инсон ва борлиқ, нарса ва ном муносабатига асосланувчи лисоний фаолиятни “борлиқ - рух - туғма қобилият - сезгилар - ақл-идрок - тил” изчиллигида талқин этган. Унинг назарида “инсон реал борлиққа рухнинг ички куввати ёрдамида ўз ҳиссий таъсирини ўтказди ва у ҳақидаги таассуротни ўзида мужассамлантирган иккинчи бир борлиқни, яъни лисоний борлиқни вужудга келтиради”. “Тилнинг вужудга келишини дастлаб борлиқнинг сўзда акс этиши ва мазкур сўзлар иштирокида нутқни шакллантириш тарзида изоҳлашни тасаввурга сиғдириб бўлмайди. Зеро, сўз лисоний яратувчанликнинг интихоси сифатида бевосита нутқ жараёнида вужудга келади”<sup>5</sup>.

Тилшуносликда систем-структур тамойил ўз устуворлигига эга бўлган даврларда бироз эътибордан четга чиққан ушбу антропологик тамойилларга бўлган кейинги эътибор рационал-генератив назария ва унинг мантикий давоми бўлган когнитив тилшуносликда кузатилади. Хусусан, Н. Хомскийнинг генератив назариясига кўра, лисоний фаолият: “ирсий асосли туғма қобилият – ички схематизм – лисоний қобилият (competence) – нутқий ижро (performance)” узвийлигига асосланади. Ушбу узвийликдаги туғма қобилият ирсий асосли эволюцион восита бўлиб, унга хос ички схематизм туфайли инсон ўзидаги лисоний (competence) қобилиятнинг ижрочисига (performance), яъни нутқ соҳибига айланади<sup>6</sup>.

Гарчи ушбу назария лисоний фаолиятни инсон омили билан боғлиқ ҳолда тадқиқ этиш анъанасининг қайта жонланишида муҳим аҳамият касб этган бўлса ҳам, унда Ш. Сафаров қайд этганидек, “инсон тафаккурини унинг онгидаги туғма билим, ғоялар захираси асосида фаоллашиши” ҳақидаги Р. Декарт фалсафасига таянган ҳолда, “грамматикани бекаму-кўст нутқий кетма-кетликларни (гапларни) тузувчи механизм” сифатида таснифланиши ва бу орқали “инсонни ўз лисоний фаолиятининг ташаббускори ва ижодкори эмас, балки генетик асосли туғма қобилиятга қарам, ижрочига айлантириб қўйилиши”ни маъқуллаб бўлмайди<sup>7</sup>. Шу боис, иккиламчи номинатив воситаларининг лингвокогнитив асосларини белгилашда эмпирик-рационал таълимот тарафдорлари томонидан (Абу Али ибн Сино, Абу Наср Форобий ва В. фон Гумбольдт, А.А. Потенция) ишлаб чиқилган тамойилларга таяниш лозим топилди.

Бирламчи номинантларга хос мотивацион моҳиятнинг хиралиги ҳамда давр тақозосига кўра эволюцион таълимот устуворлиги туфайли юзага келган ушбу ёндашув номинацияга диахрон ва синхрон фазалардаги деривацион структураси шаффоф бўлган иккиламчи номинатив воситалардан келиб

<sup>5</sup> Гумбольдт В. Язык и философия культуры. М.: Прогресс, 1985. - С. 430.

<sup>6</sup> Хомский Н. Язык и мышление. М.: Изд. МГУ, 1972.- С. 9.

<sup>7</sup> Сафаров Ш. Тил назарияси ва лингвометодология. – Т.: “Баёз”, 2015. – Б. 170-171.

чиқиб баҳо бериш анъанасининг шаклланишига олиб келди. Ушбу анъана иккиламчи номинатив воситаларнинг лингвокогнитив асосларини белгилаш мақсадида олиб борилган изланишларда уларни “когнитив деривация” ва “концептуал деривация” каби икки хил терминлар билан ифодаланиши мисолида ҳам кўзга ташланади. Ушбу ёндашувлар иккиламчи номинатив воситаларга хос лингвокогнитив асосларни бирламчи номинантларда ички форманинг шаклланишига доир таҳлилий далиллар ва нутқ онтогенезига оид кузатишларда қайд этилган “аморф сўзлар” ва “диффуз сўзлар” кўламида қиёсий таҳлил қилиш ва номинация фазаларининг когнитив, концептуал жараёнларга муносабатини белгилашни талаб қилади.

Шуларни назарда тутиб, мазкур бобнинг иккинчи қисмида бевосита номинатив фаолиятнинг когнитив ва концептуал асосларига тўхталиш лозим топилди. Номинация эҳтиёж, ҳаракат, мотив, мақсад каби мезонларга асосланувчи фаолият бўлиб, эҳтиёж борлиқ ҳақида маълумот олишга бўлган ички интилиши ва талабни тақозо этади. Ушбу интилиш эса эмпирик ва рационал воситаларни ҳаракатлантиради. Мазкур фаолликни мақсад сари йўналтирувчи куч, уни қай тарзда ва қандай усуллар ёрдамида рўёбга чиқишини белгиловчи кўрсаткич эса мотив бўлиб, у фикрнинг режаси ва схемасини белгиловчи асос ҳисобланади. Мақсад объектга хос ҳиссий белгиларнинг ядро-периферия муносабати асосида вужудга келадиган тасаввур билан бирга белгиланадиган фаолиятнинг марказий унсуридир.

Манбаларда эмпирик-рационал воситалар ҳамкорлигига асосланувчи ушбу фаолият когнитив ва лисоний босқичларнинг изчиллигида муҳокама қилинади. Хусусан, Ж. Пиаженинг қайд этишича, ёш болалар когнитив ривожининг сенсомотор босқичи моддий объектлар билан муомала қилишдан бошланади ва ушбу босқичда когнитив ривожланиш лисоний ривожланишга нисбатан етакчилик қилади. Лисоний босқич эса бола нарсаларни уларнинг номи билан боғлаш идрокий когнитив моделини шакллантириши асосида кечади<sup>8</sup>. Н.Н. Болдырев ҳам ёш болаларда бирламчи концепт объектнинг ҳиссий образи асосида вужудга келишини, кейинги босқичда эса ушбу ҳиссий образга рационал ишлов берилиши ва лисоний кодланиши асосида кўп ўлчамли концептлар ҳосил қилинишини таъкидлайди<sup>9</sup>.

Нутқ онтогенезига оид диффуз номларни “би-би” сўзи мисолида кузатган Е.С. Кубрякованинг қайд этишича, “сўз-жумла вазифасидаги ушбу қоришиқ номинант боланинг мақсадига мос ҳолда турли номинатив функцияларда ҳам қўлланади”<sup>10</sup>.

Когнитив тилшуносликда ҳиссий образ ва тасаввурлардан иборат эмпирик маҳсуллар “образли концепт” деб юритилади ва уларга рационал ишлов берилиши натижасида вужудга келадиган новербал ва вербал

<sup>8</sup> Кубрякова Е.С. Язык и знание, (на пути получения знаний о языке: части речи с когнитивной точки зрения, роль языка в познании мира). - М.: Языки славянской культуры, 2004. - С. 71.

<sup>9</sup> Болдырев Н.Н. Когнитивная семантика: Курс лекций по английской филологии. Тамбов: Изд-во Тамб. ун-та, 2001. Изд. 2-е, стер. С. 26.

<sup>10</sup> Ўша асар. С. 122.

маҳсуллар эса “образсиз концепт”лар сифатида қайд этилади<sup>11</sup>. Образли ва образсиз концептларга хос ушбу изчиллик когнитив қобилятнинг энг муҳим хусусияти сифатида эътироф этилган бири иккинчисини келтириб чиқариш тамойилига мос келади.

Бутун-қисм муносабатига асосланувчи номинатив маънони “стлатъ” ҳаракати билан алоқадор нарса/стол”<sup>12</sup> ва “боғни парваришlash билан алоқадор шахс/боғбон” тарзида намоён бўладиган когнитив-дискурсив курилмаларда ҳам кузатилиши ҳамда ушбу тузилмаларнинг “манба” (source domain) ва мақсад (target domain) мақомидаги концептларнинг<sup>13</sup> алоқадор атомар предикати воситасида ўз когнитив-дискурсив яхлитлигига эга бўлиши жиҳатдан муштараклиги когнитив қобилятнинг нафақат дискурсив-синергетик изчилликни, балки когнитив-дискурсив жиҳатдан умумий бўлган номинатив маънони шакллантириш имкониятини яратувчи марказий восита эканидан ҳам дарак беради.

Ана шундай генетик алоқадорлик ва умумий лингвокогнитив асосни Ж.Лакофф “бир пайтнинг ўзида икки томонга, яъни тафаккур ва тилга интилувчи” деб таърифлаган ва “образли схема, метонимия, метафора, пропозиция ва фрейм каби воситалардан ташкил топишига кўра кўп боғламли идрокий когнитив модел” деб номлаган идрокий когнитив моделлар мисолида ҳам қайд этиш мумкин. Юқорида таҳлили келтирилган диффуз, туб ва ясама номинантларга хос умумий когнитив-дискурсив структура ва бутун-қисм муносабатига асосланувчи номинатив маъно муштараклиги ушбу идрокий когнитив моделлар билан бевосита боғлиқ.

Бобнинг “Иккиламчи номинация воситаларининг деривацион моҳияти ва илмий талқинлари” деб номланган учинчи қисмида номинатив фаолиятни иккиламчи номинациянинг семантик ва лексик воситалари ва деривацион тамойиллар асосида талқин этишнинг устуворлиги таъкидланиб, иккиламчи номинациянинг А+Б=АБ типидagi линияли ва турли моделлар иштирокида ҳосил қилинадиган номинантларнинг деривацион мақоми эътиборга олинмаслиги, мазкур маҳсул ва воситаларни “сўз ясалиши” термини остида бирлаштириб ўрганилиши ва ўргатилишига оид анъана билан боғлиқ изоҳталабликлар хусусида сўз юритилди.

Бинобарин, А.Ҳожиёвнинг “сўз ясалиши баҳсида бу тизимга алоқаси бўлмаган нарсалар ўрин олиб келганлиги ва бу ясама сўз билан боғлиқ масалаларни тўғри ҳал этишга ўз салбий таъсирини ўтказиб келаётгани” ҳақидаги фикри бежиз эмас. Зотан, сўз яшаш деганда “маълум бир луғавий бирликдан сўз ясовчи восита ёрдамида янги сўз ҳосил қилиш” назарда тутилмоғи лозим<sup>14</sup>. Сўз ясалишининг лексик-семантик усули сифатида қайд этилган метафорик ва метонимик воситалардан кўзланган мақсад эса, С.Д.

<sup>11</sup> Краткий словарь когнитивных терминов. - М.: Филологический ф-т МГУ им. М.В.Ломоносова, 1997. - С. 157.

<sup>12</sup> Звегинцев В.А. Семасиология. - М.: МГУ, 1957г. - С. 192.

<sup>13</sup> Lakoff, G., Johnson, M. Metaphors We live by. 2-nd edition - The University of Chicago Press, 2003 - P. 10,67.

<sup>14</sup> Ҳожиёв А. Ўзбек тили сўз ясалиш тизими. – Тошкент: Ўқитувчи, 2007. –Б. 7.

Кацнельсон қайд этганидек, “сўз яшаш эмас, балки (семаобразование) маъно яшаш” дир<sup>15</sup>.

Сўз ва маъно яшашга олиб келадиган ушбу воситалар ўз динамик асосига идентификация ва транспозиция каби икки тамойил татбиғида эга бўлиши нуқтаи назардан қаралганда биргина асос ва формантлар узвийлигига асосланган номинантларнинг тўғридан-тўғри ясама сўз мақомига эга бўлиши маълум бўлади. Композитив воситанинг идентификацион ва транспозитив уйғунликда ясама сўзларни ҳосил қилиши, метафорик, метонимик ва конверсив воситаларнинг транспозитив кўчишлар асосида ясама маъно мақомидаги номинантларни ҳосил қилиши уларнинг сўз яшаш ҳодисасига бевосита дахлдорлигидан дарак беради.

Ички структураларнинг вужудга келиши туғма қобилятга хос ички схематизм асосида эмас, балки “манба” (source domain) ва мақсад (target domain) мақомидаги икки ментал майдонга мансуб концептларнинг атомар предикат воситасида когнитив-дискурсив тузилма ташкил қилишига асосланади. Ж.Лакофф томонидан идрокий когнитив модел деб изоҳланган ушбу тузилма муайян асос структура базасида янги номинантларни вужудга келтирувчи иккиламчи номинатив воситалар учун умумий когнитив асос ва прототип манба вазифасини ўтайди. Ушбу инвариант тузилма ва унинг иккиламчи прототиплари нутқнинг шаклланишига ҳам замин яратади. Масалан, “*policeman*” кўшма сўзи замиридаги “*a male police officer*” пропозицияси ёки “*comedian*” форматив номинанти замирида ётадиган “*A person, who writes comedy*”, “*He writes a comedy*” ички ҳукмлари вазиятга кўра, жумла ва ном шаклларида рўёбга чиқарилиши мумкин.

Коммуникатив ва номинатив ифодалар ўртасидаги бундай узвийликнинг ном-нутқ уйғунлигига асосланадиган диффуз номларда ўз ибтидосига эга бўлиши бирламчи фазанинг когнитив асосли эканига яна бир бор ишонч ҳосил қилиш ва лисоний фаолиятни номлаш баробарида нутқнинг шаклланиши билан боғлиқ<sup>16</sup> дискурсив-синергетик изчиллигини қайд этиш имконини яратади. Диффуз, туб ва ясама номинантлар замирида ётадиган когнитив-дискурсив тузилмалар қиёси улар учун умумий идрокий когнитив моделни “X билан алоқадор Y” инвариант пропозицияси воситасида белгилашга ундайди.

Номинатив фаолият учун инвариант бўлган идрокий когнитив моделларнинг умумий когнитив аналогини “ассоциатив импликация” бўлса, унинг иккиламчи номинатив воситаларда вариантланиши “симметрик, асимметрик ва симулятив импликация”лар асосида амалга ошади<sup>17</sup>. идрокий когнитив моделларнинг таркибан образли схема, метонимия, метафора, пропозиция ва фрейм кабилардан ташкил топиши идрокий когнитив

<sup>15</sup> Кацнельсон С.Д. Содержание слова, значение и обозначение. - М.: Едиториал УРСС, 2011. – С. 61.

<sup>16</sup> Кубрякова Е.С. Язык и знание, (на пути получения знаний о языке: части речи с когнитивной точки зрения, роль языка в познании мира). - М.: Языки славянской культуры, 2004. – С. 72.

<sup>17</sup> Никитин М.В. Курс лингвистической семантики. Учебное пособие. 2-е издание, дополненное и исправленное. — СПб.: Изд-во РГПУ им. А.И.Герцена, 2007. — С.19.

моделларнинг вужудга келиши ва симметрик, асимметрик ва симулятив вариантланишида семантик воситаларга таянилишидан дарак беради.

Хусусан, “X билан алоқадор Y” пропозицияси замирида когнитив ва концептуал номинантлар учун муштарак бўлган бутун-қисм муносабатига асосланувчи номинатив маънонинг ётиши ва унинг метонимик табиатли экани, ушбу когнитив-дискурсив тузилманинг инглиз ва ўзбек тилларидаги ядро, ядро олди ва периферик концептлардан ташкил топадиган “тап/одам” концептосфераси тилларда фаолроқ бўлган сўз ясалишига нисбатан транспозитив воситаларнинг аввалроқ ўз татбиғига эга бўлганига ишора қилади.

Иккинчи боб **“Иккиламчи номинациянинг семантик воситалари ва уларнинг лингвокогнитив талқини”** деб номланади. Унинг биринчи қисми метонимик номинациянинг когнитив ва концептуал хусусиятлари тавсифига бағишланади. Зотан, метонимия идрокий фаолиятнинг универсал механизми бўлиб, “metonymia”, яъни “қайта номлаш” унинг концептуал хусусиятини акс эттиради. Когнитив метонимияга хос универсаллик: 1) борлиқни жинс-тур, бутун-қисм муносабатига асосланадиган партонимик ва гиперонимик муносабатлар кўламида тасаввур қилиш имкониятини яратиши; 2) диффуз номларни ҳосил қилиш баробарида “X билан алоқадор Y” пропозициясига асосланувчи идрокий когнитив моделларни вужудга келтириши, 3) барча турдаги номинантларга хос бутун-қисм муносабатига асосланадиган номинатив маънони ҳосил қилиши кабиларда кўзга ташланади. Унинг концептуал татбиғи эса бевосита метонимик номинантларни ҳосил қилувчи восита сифатида иштирок этиши мисолида кўзга ташланади. Ҳар иккала ҳолатда симметрик импликация” метонимиянинг умумий когнитив аналоги ҳисобланади.

Тилшуносликда кўпроқ метонимиянинг концептуал фазаси ўрганилади. Хусусан, ўзбек тилшунослигида мазкур восита “ҳосил қилувчи ва ҳосила маъно референтлари” ўртасидги жинс-тур, бутун-қисм муносабатига асосланган тафовутдан келиб чиқиб метонимия ва синекдохага ажратилади<sup>18</sup>. Бошқа бир гуруҳ ишларда эса ушбу восита “метонимия” термини остида бирлаштириб ўрганилади. Масалан, И.В. Арнольд “Партитив муносабатга асосланган номни бошқаси билан алмашилишига олиб келадиган синекдоха ҳам аслида метонимиянинг бир тури” эканини қайд этади<sup>19</sup>.

Биз ҳам бутун-бўлак алоқадорлигига асосланадиган ҳодисалар замирида нафақат метонимик силжиш, балки инсон фикрлашининг когнитив стратегияси ётишини эътиборга олиб метонимия деб юритишни маъқул топдик. Зотан, метонимия, энг аввало “муайян концептуал манбага (vehicle) таянган ҳолда, мақсад(target)га эришиш имконини яратадиган идрокий

<sup>18</sup> Миртожиев М.М. Ўзбек тили семасиологияси. – Тошкент: Mumtoz soʻz, 2010. —Б. 100-103; Сувонова Р. Ўзбек тилида метонимия. - Тошкент: Абдулла Қодирий халқ мероси нашриёти, 2004. – Б. 8.

<sup>19</sup> Арнольд И.В. Стилистика современного английского языка. - М.: Просвещение. 1990. - С. 98.



когнитив модел” эканлиги билан характерланади <sup>20</sup>. Унинг лисоний фаолиятнинг референциал амали сифатида татбиқ этилишида ҳам ушбу когнитив воситага таянилади.

Мазкур қисмда метонимияга хос ушбу концептуал кўрсаткичлар “*man/одам*” концептосферасига мансуб “X билан симметрик шахс/жамоа” пропозициясига асосланувчи номинантлар: а) “умумий ва хусусий маънолар”га асосланган (*The White House isn't saying anything; Washington is insensitive to the needs of the people*), б) рамзий-прагматик (инглиз тилида лотин-америкаликларни “*deanbag ва chilli*”, канадаликларни “*checser ва maple-sucker*” тарзида, ўзбек халқида эса “*тирноқ*” орқали фарзанд, “*қулоқ*” воситасида айғоқчининг номланиши) каби турлар асосида тавсифланди.

Шунингдек, инсон метонимик образини яратишда иштирок этадиган манбалар эътиборига кўра: а) “X макон билан алоқадор жамоа”: *The college was shocked by his death. Сунф бир оғиздан “Ассалому алайкум!”*, - деб қичқирди; б) “X нарса-буюм билан алоқадор шахс”: *Just make sure that old bag pays you in cash* жумласидаги *old bag. Оқтўнни билан ҳиринглашма*; в) “X қисм билан алоқадор шахс”: *Get your butt (buttock) over there!*, *Нима бало у тирноқ кўрмай ўтармишимиз?!*; г) “X мансаб, мавқе билан алоқадор шахс”: *The professor treated her as one of his students. Идеология билан раис кириб келди* каби моделлар доирасида таҳлил қилинди.

“Метафорик номинациянинг когнитив, концептуал асослари” деб номланган иккинчи қисмда метафоранинг номинатив фаолиятдаги когнитив ва концептуал типлари тавсифларига эътибор қаратилди. Дастлаб, адабиётшунослик, кейинчалик услубшунослик ва у орқали тилшуносликнинг ўрганиш объектига айланган ушбу восита сўз ясалишининг лексик-семантик усули, семантик деривация ходисалари билан боғлиқ ҳолда лингвистик талқин этила бошланган. Метафоранинг динамик аспектда, антропоцентрик тамойиллар асосида, талқин этилиши Ж.Лакофф ва М.Жонсонларнинг “*Metaphors We Live by*” (Биз яшаётган метафора) номли иши билан боғлиқ бўлиб, унда метафора “инсон концептуал тизимидан дарак берувчи тафаккур механизми” сифатида таърифланади <sup>21</sup>.

Мазкур воситанинг лингвокогнитив тавсифидаги изоҳталаб жиҳатлар когнитив ва концептуал метафора терминларининг қўлланиши билан боғлиқдир. Хусусан, баъзи ишларда “борлиқнинг кўринмас қирраларини кўриш имкониятини яратадиган” воситанинг когнитив метафора сифатида <sup>22</sup>, бошқаларида худди шундай “мавҳумлик” билан алоқадор метафорик номинантларнинг “концептуал метафора” сифатида номланиши кузатилади <sup>23</sup>.

<sup>20</sup> Kovecses Z., Radden G. Metonymy: Developing a cognitive linguistic view; Cognitive Linguistics 9-1. 1998. – 37-77 p.

<sup>21</sup> Lakoff, G., Johnson, M. Metaphors we live by. 2-nd edition - The University of Chicago Press, 2003 - P. 247.

<sup>22</sup> Арутюнова Н.Д. Функциональные типы языковой метафоры. Статья. Опубликовано в сборнике: Известия Академии наук СССР. Серия литературы и языка. — М.: Наука, 1978. — Т. 37. — №4. — С. 333—343.; Телия В. Н. Метафоризация и её роль в создании языковой картины мира ; Роль человеческого фактора в языке. Язык и картина мира. М.: Наука, 1988. - С. 173-203.

<sup>23</sup> Опарина Е.О. Концептуальная метафора. ; Метафора языке и тексте. – М., 1988. – С. 65–77.

Бизнингча, юқорида қайд этилган сабабларга кўра метафораларнинг бундай талқин қилинишига қўшилиб бўлмайди. Зотан, метафоранинг когнитив илдизлари анча чуқур бўлиб, қиёсий мушоҳадани ташкил қилиш ва бошқаришнинг бирламчи механизмини акс эттиради. Ушбу воситанинг когнитив аналоги “симулятив импликация” (лотинча, *simulatio*-уйдирма сўздан олинган) бўлиб, ушбу импликацион жараён манба ва мақсад мақомидаги концептларни “ўхшаш” атомар предикати воситасида “X га ўхшаш Y” пропозициясининг ташкил қилиниши орқали кўзга ташланади.

Метафорага хос когнитив асос: а) инсонга ўз хаёлий оламини яратиш, борликни қиёсий англаш таснифлаш имконини тақдим этиши, б) номинатив ва коммуникатив фаолиятлар учун зарур бўлган лисоний аналогияларни шакллантириш (масалан, итнинг товушига тақлидан “wau-wau, waf-waf” деб номланиши) ва ўзлаштиришдаги иштироки кабиларда кўзга ташланади. Концептуал метафора эса “X га ўхшаш Y” инвариант моделга таянган ҳолда, мавжуд концептларнинг деривацион комбинация қилиш асосида композит маъноли номинатив гибридларни вужудга келтириш воситасидир.

Хусусан, инглиз ва ўзбек тилларидаги номинатив-прагматик мақсадларни “шахслантириш” (персонфикация “*persona*”, яъни “шахс” ва “*facere*”, яъни “қилмоқ”) асосида рўёбга чиқарадиган ва туйғу ва ҳиссиётлар симулятив импликациясида вужудга келадиган синестезиялар ушбу аналогик изчилликни акс эттиради. Масалан, *How can a bear like that run around loose* (Ҳаётимда бунақа даҳшатли айиқни кўрмаганман) жумласида шахслантириш орқали метафорик маъно ҳосил қилинган. Инглиз тилидаги “кичиклик, аччиқлик, кескир таъм” ҳиссиётига асосланувчи “*peppery*” номинантининг симулятив асосдан “кичик жусса ва зийрак ақл” соҳиби бўлган шахсга нисбатан қўлланишида таъм синестезияси ва шахслантиришга асосланилади.

Шунингдек, “X га ўхшаш одам” моделига асосланган номинантлар манба эътиборига кўра ҳам ўзига хос мавзу гуруҳларни ташкил қилади: а) “X қушга ўхшаш киши”: *dodo*(дронт қуш) - old fashioned, conventional, and inactive person; *бургут* – йиртқич, ёвуз одам / жасур, кўркмас, мард киши, б) “X ҳайвонга ўхшаш киши”: *monkey* (маймун)- mischievous or badly-behaved child; *бўри* – ёвуз, қонхўр, шафқатсиз одам, в) “X ўсимликка ўхшаш киши”: *the flowers of society* (жамиятнинг гуллари) - the finest individuals out of a number of people or things; гул - гўзал чехрали ва хулқли қиз, кишиларнинг энг сараси, инсоннинг балоғат кўрсаткичи, г) “X нарса-буюмга ўхшаш киши”: *blockhead* (тўнка) – a very stupid person, *тўнка* – қадди-басти паст, пакана ва муомаласи кўпол киши каби метафорик номинантлар шулар жумласидандир.

Учинчи қисмда Конверсив номинациянинг лингвокогнитив асослари муҳокама қилинди. А.И. Смирницкий инглиз тили тарихидаги “*lufu*” любовь - “*lufian*” любить; “*broc*” обломок - “*brocian*” обломить кабиларни замонавий шакллар билан қиёслаган ҳолда, мазкур тил тарихида конверсиянинг

шаклдошликка олиб келувчи тури нисбатан камунум бўлганини қайд этади<sup>24</sup>. М.М. Миртожив эса ушбу восита туркий ва ўзбек тиллари тарихида “ҳали сўз ҳосил қилишнинг бошқа йўллари дунёга келмасдан бурун, ушбу тиллар луғатини бойитишнинг бош омили, бойитиш манбаи сифатида хизмат қилган”ини қайд этади<sup>25</sup>.

Ушбу фикрлар инглиз тили тарихида синтетик воситаларнинг заифлашиши натижасида аналитик усулнинг етакчилигига замин яратганидан, туркий ва ўзбек тилларида эса аксинча, аналитик воситаларнинг заифлашиши морфологик ва синтактик усулларнинг устувор аҳамият касб этишига олиб келганидан дарак беради. Шу боис “конверсия у ёки бу даражада барча тилларга хос бўлса ҳам, инглиз тилида у алоҳида мавқега эга”<sup>26</sup>. Ҳозирги ўзбек тилининг сўз ясалиш тизимида конверсиянинг камунум восита сифатида эътироф этилиши, “тарихий ясалишга оид бир неча сўзни назарда тутиб” уни сўз яшаш усуллари қаторига киритиб бўлмаслиги ҳақидаги<sup>27</sup> фикрлар М.М. Миртожиевнинг хулосасини тасдиқлайди.

Ушбу тафовутларга қарамай, конверсия ўз когнитив-дискурсив моҳиятига икки ментал майдонга мансуб концептларнинг асимметрик импликация воситасида “Х билан алоқадор Y” пропозитив идрокий когнитив модел орқали эга бўлиши билан муштаракдир. Нарсаларни белгилар, белгиларни эса нарсалар орқали идрок этиш имконини яратадиган ушбу конверсив идрокий когнитив модел: а) борлиқнинг категориал манзарасини, унинг исм ва белги категорияларига асосланувчи лисоний манзарасини тасаввурда шакллантириш, б) нутқнинг синтагматик “скелет”ини тақозо этувчи семантик-синтактик валентлик билан боғланган ҳолда, нутқни шакллантириши кабиларда когнитив восита вазифасини ўтайди.

Инглиз ва ўзбек тилларидаги “man/одам” концептосферасига оид концептуал конверсивларни “асимметрик импликация” воситасида шаклланган “Х билан алоқадор Y” пропозициясига таянган ҳолда таҳлил қилишни лозим топдик. Концептуал конверсия “ситуатив-контекстуал кўчишга асосланган окказионал ва мазкур нутқий ҳосилаларнинг лисоний барқарорлашувига асосланадиган узул босқичлар”<sup>28</sup> изчиллигида содир бўлишига кўра, “транспозитив ва лексик”, “тўлиқ (total conversion) ва тўлиқсиз (partial conversion)” деб ажратиладиган номинантлар мисолида кўзга ташланади<sup>29</sup>.

Ўз навбатида, ушбу номинантлар конверсиянинг компрессив-интеграцион ва таснифий-дифференциал усуллари қайд этиш имконини ҳам яратади. Мазкур усуллар инглиз ва ўзбек тилларидаги “man/одам”

<sup>24</sup> Смирницкий А.И. Лексикология английского языка М.: Московский Государственный Университет, 1998. - С. 167.

<sup>25</sup> Миртожиев М. Ўзбек тилида лексик омоним манбалари. Т.: Фан, 2014. – Б. 29.

<sup>26</sup> Мешков О. Д. Словообразование современного английского языка. – М.:Наука, 1976. – 248 с.

<sup>27</sup> Каримова Г. Ўзбек тилида грамматикализация ходисаси. - Тошкент, 2007. Б. 36.

<sup>28</sup> Байгирина А. Словообразование по конверсии в башкирском языке. Автореф. дис. ... канд. фил. наук. – Уфа, 2007.- С. 8.

<sup>29</sup> Adams V. An Introduction to Modern English Word-formation. Longman. 1987. P. 16.

концептосферасига мансуб субстантивларнинг куйидагича фарқлиниши мисолида кўзга ташланади:

а) инглиз тилида компрессив-интеграцион номинантларнинг: *the insured*→суғурталанганлар, *the wounded*→яраланганлар, *young* (ёш)→*the young* (ёшлар), *rich* (бой) → *the rich* (бойлар), *Russian* (рус) → *The Russians* (руслар) кабилар доирасида чегараланиши, ўзбек тилида бундай номинантлар: а) -ган: *ўқиган* → *ўқиган*; б) -р/ар: *олиб сотар* → *олиб сотар*, в) -вчи/увчи: *ўқитувчи* → *ўқитувчи* сингари феълнинг сифатдош шакллари, *яхши*→*яхши*, *қизил*→*қизил*, *кекса*→*кекса* каби сифат, сон, равиш туркумига мансуб сўзлар субстантивацияси мисолида кузатилиши;

б) инглиз тилида таснифий-дифференциал усулнинг фаоллиги: “*suspect* (гумон қилмоқ) → *suspect*” (гумонланувчи), “*help* (ёрдамлашмоқ) → *help*” (ёрдамчи), “*vaccinate* (эмламоқ) → *vaccinate*” (эмловчи) каби V→N, *ape* (маймун) → *ape* (маймун бўлмоқ), *wolf* (бўри) → *wolf* (бўридай ёмоқ), *mouse* (сичқон) → *mouse* (сичқон қирувчи) каби N→V моделлардаги эркин конвертациялар мисолида кўзга ташланса, ўзбек тилида бундай субстантиватлар: *тўй* (от ва феъл), *иши* (от ва феъл), *тин* (от ва феъл), *чуқур* (сифат ва от), *қўш* (сифат ва от), *юмалоқ* (сифат ва от) каби тарихий ясамалар мисолида кўзга ташланади.

Диссертациянинг учинчи боби “**Иккиламчи номинациянинг лексик воситалари ва уларнинг лингвокогнитив талқинлари**” деб номланган. “R+suf/pref+R” типдаги линияли моделлар воситасида воқеланадиган форматив номинацияда “R” асос сўзи номинатив манбанинг, “suf/pref” каби формантлар эса номинатив мақсаднинг вакили сифатида иштирок этиши билан характерланади. Манбаларда ушбу моделлар “ички ва ташқи ясалиш”, “транспозитив ва нотранспозитив схема” деб юритиладиган ички турларга ажратилади. Мазкур кўрсаткичлар форматив номинациянинг ўз лингвокогнитив асосига метонимия, конверсия ва метафора каби семантик воситалар конфигурацияси орқали эга бўлишига ҳам ишора қилади.

Шунингдек: а) ушбу линияли моделларнинг ижросини таъминлаш учун сўз бойлиги, формантлар ва микросинтагматик муносабатни таъминлаш учун зарур бўлган билимларга эга бўлиш лозимлиги, б) форматив номинантлар замирида икки ментал майдонга мансуб концептларнинг симметрик ва асимметрик импликациясига асосланадиган (*боғбон* – “боғни парвариши билан алоқадор шахс”; *skydiver* – “парашютдан сакраш ҳаракати билан алоқадор шахс”) “X билан алоқадор Y” пропозитив идрокий когнитив моделларнинг ётиши ҳам шундан дарак беради.

Шунга кўра, мазкур номинатив воситанинг сўз ясаш типлари ёки “янги сўзга бўлган эҳтиёжни қондиришга оид маълумотларни ўзида мужассамлантирувчи фреймлар”<sup>30</sup> деб юритиладиган типик тузилмаларини ушбу идрокий когнитив моделларнинг “оилавий ўхшашлиги (*family*

<sup>30</sup> Касевич В.Б. Семантика. Синтаксис. Морфология. М.: Наука, 1988. – С. 21.

resemblance)”) асосида вужудга келган прототиплари дейиш мумкин<sup>31</sup>. Ушбу прототипларнинг бевосита концепт ёки ном ҳосил қилиш асосида эмас, балки мавжуд концептлар деривацион комбинацияси асосида ўз татбиғига эга бўлиши уларнинг “когнитив деривация”га эмас, “концептуал деривация”га дахлдорлигидан дарак беради.

Инглиз ва ўзбек тилларидаги “*man/одам*” концептосферасига мансуб форматив номинантларни ҳосил қилишда аффикс морфемалар “денотатив”, асос сўзлар эса “квалификацион” компонент сифатида иштирок этишига кўра муштарак бўлса ҳам, қуйидаги кўрсаткичлар билан фарқланади:

1) инглиз тилидаги кўпчилик формантлар шахс отларидан бошқа сўзларни ҳосил қилишда ҳам фаол иштирок этиши билан характерланади: -er: *teacher* (ўқитувчи), *setter* (ит зоти), *slippers* (шиппак) каби. Ўзбек тилида эса шахс оти ясовчиларга хос минимал маъно аксарият ҳолларда ихтисослашган бўлади: *боғбон*, *ошназ*, *шарқшунос*, *китобхон*, *соатсоз*, *этикдўз*, *савдогар*, *меросхўр*, *шахсиятпараст*, *масалаҳатгўй*, *читфуруш* каби;

2) инглиз тилида формантлар исм ва белги категориясига мансуб асосларга бириккан ҳолда шахс маъносидаги номинантларни ҳосил қила олади: V+er=N (*reader*), A+ er=N (*britisher*), N+er =N (*prisoner*); N+ist=N (*careerist*), A+ ist =N (*realist*, *idealist*); V+ ling=N (*sukling*), A+ ling=N (*fatling*); N+ess=N (*hostess*), V+ess=N (*governess*) каби. Ўзбек тилида эса биргина “-вчи” форманти (*лойиҳала+вчи*, *сайла+вчи*, *оқла+вчи*) феъл асослардан, бошқалари эса асосан от асослардан шахс номларини ҳосил қилади: *пайванд+чи*, *боғ+бон*, *арава+каш*, *чорва+дор маҳси+дўз*, *зар+гар*, *ош+наз* каби;

3) инглиз тилидаги: а) “-ess”: *actress*, *waitress*, б) “-ette”: *conductolette*, *farmerette*, в) “-stress”: *songstress* *seamstress* каби формантлар инсонларнинг гендер тафовутини белгилаши билан характерланса, ўзбек тилида бундай тафовут *котиб-котиба*, *актёр-актриса* каби ўзлашмалардагина кўзга ташланади;

4) инглиз тилида: 1) anti+N: *antipope*, *antimintalist*, 2) co+N: *co-education*, *co-operator*, 3) arch+N: *arch-shop*, *arch-father*, 4) counter+N: *counter-terrorist*, 5) ex+N: *ex-champion*, *ex-serviceman*, 6) out+N: *outpatient*, *outworker*, 7) over+N: *over-men*, 7) post+N: *postgraduate*, 8) pro+N: *pro-marketer*, *pro-consul* 9) sub+N: *subcommissioner*, 10) super+N: *supermen*, *super-intendent* каби суффиксал ва префиксал формантлар орқали шахс отлари ясалса, ўзбек тилида: *ҳамёстиқ*, *ҳамётоқ*, *ҳамжинс* каби форс-тожик тилидан ўзлашган “ҳам” перфиксли ясалишлар мавжуд;

5) инглиз тилида асос сўзнинг ўзак ёки конверсив маъноси билан форматив номинантлар ҳосил қилиниши мумкин: *coiner* (танга зарб қилувчи) номинанти *coin* (танга) ўзак маънодан эмас, (танга зарб қилмоқ) конверсив маъносидан; *fighter* (жангчи) номинанти *fight* (жанг қилмоқ) конверсив маъносидан эмас, (жанг) ўзак маъносидан ясалган. Ўзбек тилида бундай номинантлар кузатилмайди;

<sup>31</sup> Сафаров Ш. Семантика. - Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2013. -Б. 223.

б) инглиз тилидаги “X билан алоқадор шахс” номинантлари “Oxford advanced learner’s dictionary” луғатида 2508 тани ташкил қилади ва уларнинг 49 фоизи “R+er=N” моделида ясалган, “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да эса форматив номинантлар 2939 та бўлиб уларнинг 52 фоизи “R+чи=N” моделида ҳосил қилинган.

Шунингдек, ҳар иккала тилда номинатив мақсад мақомидаги шахс концепти ва манбалар ўртасидаги импликацион муносабатнинг “алоқадор” атомар предикати воситасида ўрнатилган ҳолда “X билан алоқадор шахс” пропозициясининг вужудга келтирилиши ҳамда манба мақомидаги концепт билан боғлиқ равишда куйидагича вариантланиши жиҳатдан муштараклик кузатилади: 1) “X макон, манзил билан алоқадор шахс”: *African* (N+an), *Albanian* (N+ian), *Japanese* (N+ese), *Hollander* (N+er), *америкалик* (N+лик) каби; 2) “ҳуқуқ соҳаси билан алоқадор шахс”: *barrister*, *coroner* (R+er), *adjudicator*, *executor* (R+or), *apologist*, *criminologist* (R+ist), *адлиячи*, *ҳимоячи* (R+чи); *айбланувчи*, *ўқитувчи* (V+увчи); 3) “савдо соҳаси билан алоқадор шахс”: *bargainer*, *trader* (R+er), *балиқфуруш*, *дўннифуруш* (R+фуруш); 4) “муסיқа соҳаси билан алоқадор шахс”: *flutist*, *librettist* (R+ist), *найчи*, *рубобчи*, *скрипкачи* (R+чи) кабилар шулар жумласидандир.

Айрим ишларда ушбу яхлитлик бевосита “аниқловчи-аниқланмиш” муносабати (Marchand) “синтактик бирликдан лексик бирликка айланиши” (Ҳожиев) билан боғлиқ ҳолда изоҳланса, бошқаларида “синтактик алоқаси заифлашган морфемалар муносабати” (Гутерман), “эркин морфемалар” (В.М. Павлов), “сўз ясовчи асос ва сўз ясовчи қисм” (М. Мадалиев) иштирокида ташкил топиши қайд этилади<sup>32</sup>.

Э. Бенвенист “қўшма сўзлар талқинида “метоморфизм” деб номлаш мумкин бўлган алоҳида боб, янги бир назарияга эҳтиёж борлигини” ва “мазкур бобда қўшма сўзлар муайян бир синфдан бошқасига кўчиш асосида вужудга келиши муҳокама қилинмоғи лозим”лигини қайд этади<sup>33</sup>. “Метоморфизм” генератив грамматикачилар «трансформация», француз тилшунослари «трансляция», инглиз тилшунослигида «конверсия» деб юритиши эътиборга олинандиган бўлса, қўшма сўзларга хос композицион асосни эркин идрокий когнитив моделларнинг метонимия, метафора, конверсия, компрессия, лексикализация каби транспозитив ҳамкорликлар натижаси экани маълум бўлади.

Ушбу нуктаи назарлардан қаралганда қўшма сўзга хос композитив асос биргина номинатив маъно, қисмлар яхлитлигига эмас, балки улардаги синтактик ва морфологик андозалар уйғунлигига ҳам дахлдордир. Мазкур номинантларнинг тузилишига кўра эркин идрокий когнитив моделларни,

<sup>32</sup> Marchand H. The Categories and Types of Present-day English Word-formation. - Alabama: University of Alabama Press, 1969. - P. 11.; Ҳожиев А. Ўзбек тили сўз ясалиш тизими. - Тошкент: Ўқитувчи, 2007. - Б. 30.; Гутерман Н.Г. Сложные существительные в современном английском языке: Дисс. ... канд. филол. наук.-Л., 1955.-С. 113-116; Павлов В. М. Понятие лексемы и проблема отношений синтаксиса и словообразования. - М.: Наука, 1985. - С. 35.; Мадалиев Б. Ҳозирги ўзбек тилида қўшма сўзлар. - Тошкент: Фан нашриёти, 1966. - 175 б.

<sup>33</sup> Бенвенист Э. Общая лингвистика. - М.: УРСС, 2002. - С. 255

компонентлар деривацион муносабатига кўра эса асос ва формант типдаги микросинтагматик алоқасини, номинатив маъно нуқтаи назардан бутун-қисм муносабатига асосланадиган “X билан алоқадор Y” пропозициясини эслатиши ана шу вертикал кесишувдан дарак беради.

Сатҳлараро вертикал кесишувнинг натижасини тақозо этадиган таснифий кўрсаткичлардан эндоцентрик ва экзоцентрик турлар эркин идрокий когнитив моделларнинг композитив барқарорлашувида метонимия, метафора, конверсия каби семантик ҳамда форматив воситанинг аналогик манба сифатида иштирок этиши ҳақида маълумотга эга бўлиш учун қулайлиги билан ажралиб туради. Композитив номинацияга оид кейинги илмий изланишларда алоҳида эътибор билан ўрганилаётган идиоматик кўрсаткичлар ҳам ушбу турлар билан боғлиқ ҳолда шаклланади.

Шуларни эътиборга олиб, инглиз ва ўзбек тилларидаги “man/одам” концептосферасига мансуб композитив номинантлар қиёсий таҳлилини инглиз тилшунослигида шаклланган тажрибаларга таянган ҳолда, “A+B=AB” типдаги эндоцентрик ва “A нинг B га кўчиши”га асосланадиган экзоцентрик моделлар воситасида талқин қилиш лозим топдик. Ушбу ички тафовутга қарамай композитив номинация ҳам “манба ва мақсад слотлари” узвийлигидан иборат “интегратив схема”нинг “грамматик конверсия, концептуал метафора ва метонимия” каби <sup>34</sup> транспозитив ва форматив воситалар уйғунлигига асосланган прототипи ҳисобланади.

Шунинг учун ҳам ушбу “интегратив схема”га асосланган идрокий когнитив моделларни қўшма сўзларни ҳосил қилиш билан бирга шаклланган тузилма сифатида изоҳлаб бўлмайди. Зотан, ушбу идрокий когнитив моделлар ўз ибтидосига инсон когнитив қобилятига хос эмпирик ва рационал воситаларнинг дискурсив-синергетик хусусияти туфайли вужудга келадиган диффуз номларни ҳосил қилишда эга бўлади. Метонимия, метафора, конверсия ва форматив номинациялар дискурсив-синергетик изчиллиги учун замин яратиши билан бирга субъективликдан лисоний объективликка ўтиш имконини ҳам яратади.

Шу боис, номинатив фаолият учун умумий бўлган ушбу когнитив-дискурсив воситанинг вазифаси муайян турдаги деривацион механизмни тақдим этиш тарзида изоҳлаб бўлмади. Зотан, “X билан алоқадор Y” пропозицияси ташқи объект билан ҳиссий-идрокий боғланиш натижасида вужудга келган янгича фикр, инновацион ғояни номинатив вазият тақозосига кўра татбиқ этилиши учун доим тайёр турадиган универсал механизмдир. Инглиз ва ўзбек тилларидаги “man/одам” концептосферасига мансуб эндоцентрик ва экзоцентрик номинантлар ҳам ушбу универсал моделларнинг прототипларидан биридир.

Номинатив мақсадни метонимик, метафорик, конверсив ва уларнинг конфигуратив ҳамкорлиги асосида у ёки бу манба воситасида таснифий-

---

<sup>34</sup> Шепелева Д. А. Когнитивные аспекты семантики сложного слова "существительное + существительное" в современном английском языке : диссертация ... кандидата филологических наук. - Тамбов, 2008. - 198 с.

дифференциялаш ва компрессив-интеграциялаш асосида рўёбга чиқарадиган ушбу композитив моделларнинг ижросини таъминлаш учун коммуникатив ҳамда семантик ва форматив воситалар асосида орттирилган тажрибаларга эга бўлиш талаб қилинади. Масалан, *hairstylist* (соч стилисти), *қоровулбеги* каби от+от типидagi эндоцентрик номинантлар замирида “нарса билан симметрик алоқадор бўлган шахс”, *oldwoman* (кекса аёл), *космонавт-учувчи* каби эндоцентрик номинантларда эса “белги билан асимметрик алоқадор шахс” таснифий-дифференциал моҳиятли ёки инглиз тилидаги “*home-bird, pickpocket*” ва ўзбекча “*каллакесар, моҳир қўл*” каби экзоцентрик номинантларни ҳосил қилиш учун ана шундай тажриба зарур бўлади.

Ана шулардан келиб чиқиб: а) “X билан алоқадор Y” пропозициясини тўлиқ реализациялайдиган экзоцентрик номинантларни композитив номинациянинг бошланғич фазаси сифатида, б) номинатив мақсад мақомидаги “шахс” концептини формал-семантик структурадан ташқарида, яширин ҳолда ифодалайдиган экзоцентрик номинантларни оралиқ фаза сифатида, в) умумий маъноси компонентлар маъносига асосланмайдиган идиоматик қўшма сўзларни эса номинатив фаолиятнинг юқори нуқтаси бўлган фразеологик сатҳ билан туташтирувчи юқори фаза сифатида уч гуруҳга ажратиб таҳлил қилишни лозим топдик.

Эндоцентрик номинациянинг ўзига хослиги мақсад ва манба мақомидаги концептларнинг тўлиқ реализациясига асосланиши, форматив-семантик структурасига кўра, аниқловчи-аниқланмиш, асос+формант типидagi эркин бирикмалар орқали кўзга ташланади. Номинатив маъно жиҳатдан улар таркибидagi биринчи қисм нарсанинг турини аниқловчи ва уни бошқа бир синфлардан ажралиб турадиган белгисига ишора қилувчи манбани, иккинчиси эса бевосита номловчи қисм вазифасида иштирок этиши билан характерланади.

Инглиз ва ўзбек тилларидаги эндоцентрик номинантлар қайд этилган жиҳатларга кўра муштарак бўлса ҳам, мақсад ва манба мақомидаги концептларнинг симметрик ва асимметрик импликациясига асосланиши билан фарқланади. Хусусан, “*corner-boy / узокдаги бола*”, “*hairdresser / соч безакчи*” ҳамда *бошврач, бошмуҳандис, қоровулбеги* каби номинантлар от+от типидagi симметрик импликацияга, *newchum* (янги қўшни), *oldman* (қари эркак ҳамда *космонавт-учувчи, юзбоши, каттаона* кабилар эса белги+исм типидagi асимметрик импликацияга асосланиши билан характерланади. Шунингдек, ҳар иккала тилдаги эндоцентрик номинантлар мақсад мақомидаги “шахс” концептини туб сўз ва форматив ясамалар воситасида рўёбга чиқарилишига кўра: а) формантсиз: *childwife* (болали аёл), *charwoman* (фаррош), *bachelor-girl* (бўй киз); *бошмуҳандис, дарвозабег, мингбоши, каттаона*, б) формантли: *baby-sitter* (энага), *eyedoctor* (кўз доктори), *form-mistress* (синф раҳбари); *йилномачи, ишбошқарувчи* каби турлардан ташкил топади.



Экзоцентрик номинация номинатив мақсад мақомидаги “шахс” концептини формал-семантик структурадан ташқарида, яъни “экзо” тарзида ифодалаши билан ўзига хослик касб этади. Шу хусусиятига кўра, уни икки ментал майдонга мансуб концептлар интеграциясига асосланган пропозитив тузилмани тўлиқсиз реализацияловчи восита сифатида таърифлаш мумкин.

Экзоцентрик номинацияга хос тўлиқсизлик “X билан алоқадор шахс” пропозициясининг семантик воситаларнинг қуйидаги конфигуратив ҳамкорлигига асосланади: а) *master-hand, blue-eyed*; *моҳир қўл, кўк кўз* каби номинантлар замирида “X билан симметрик алоқадор шахс” метонимик пропозициясининг ётиши, б) *cut-throat, pickpocket, каллакесар, чўнтаккесар* номинантлари замирида эса “X ҳаракат билан асимметрик алоқадор шахс” конверсив пропозициясининг ётиши, в) инглиз тилида уй бекасини “*home-bird*”, яъни “уй қуши”, тажрибасиз ҳайдовчини “*road-hog*”, яъни “кўча тўнғизи” деб, ўзбек тилида тажрибасиз кишини “*хомкалла*”, бефаҳм кишини “*товуқмия*” деб номланишида “X га ўхшаш шахс” метафорик пропозициясига таянилиши шундан дарак беради.

Эндоцентрик ва экзоцентрик номинантларнинг “умумий маъноси компонентлар маъносига асосланмайдиган, яхлит ҳолда бутунлай янги маъно касб этувчи, шу билан бирга, тил эгаларининг олам ҳақидаги тасаввурлари, уни қай тарзда идрок этиши ҳақида маълумот берувчи”<sup>35</sup> идиоматик қўшма сўзлар ҳам мавжуд. Улар семантик ва лексик номинациянинг юқори нуқтаси ва номинатив фаолиятни фразеологик сатҳ билан боғловчи “кўприк” вазифасини ўташи билан характерланади.

Одатда, идиоматик қўшма сўзларнинг тўлиқ ва тўлиқсиз идиоматизацияланган турлари фарқланади. Ушбу фикрларга қўшилган ҳолда, идиоматик қўшма сўзларга хос номинал маъно ва реал маънолар ўртасидаги зиддиятни “X билан алоқадор Y” пропозицияси шаклланишида концептуал марказ сифатида иштирок этадиган номинатив мақсаддан келиб чиқиб таҳлил қилиш яна ҳам аниқроқ маълумотларни қўлга киритиш имконини яратишини қайд этишни лозим топдик. Бинобарин, шундай ёндашилганда, идиоматик қўшма сўзларга хос тўлиқ ва тўлиқсиз даражаланишни тилдаги тайёр бирликлар формал-семантик кўрсаткичлар асосида эмас, балки уларни вужудга келишига олиб келадиган когнитив-дискурсив жараёндан келиб чиқиб қуйидагича баҳо бериш имкони туғилади:

1. Эндоцентрик идиоматик қўшма сўзлар тилда мавжуд бўлган қўшма сўз компонентларидан бирини ёки уларни яхлит ҳолда метафорик кўчим билан боғлиқ ҳолда тўлиқсиз ва тўлиқ турларга ажралади:

а) тўлиқсиз идиоматик қўшма сўзлар: ўзбек тилида “ҳар хил сеҳр ишлари кўрсатувчи, фокусчи”нинг “*кўзбоғловчи*” деб номланишида “боғловчи”, *frogman* (ғаввос) эндоцентрик номинантда *frog* (бақа) компонентларининг метафорик маънода қўлланиши натижасида вужудга келтирилади;

<sup>35</sup> Юлдашев А. Г.. Идиоматик қўшма сўзларнинг лингвокогнитив аспекти (инглиз ва ўзбек тиллари мисолида) Фил. фан. ном. ... дис. автореф. - Т.: ЎзДЖТУ, 2017. - Б. 24.

б) тўлиқ идиоматик қўшма сўзлар: ўз маъносига кўра “куш овлайдиган ит” маъносига эга бўлган “*birddog*” номинанти асосида “маълум бир маҳсулотни ахтариб топадиган фирма агенти” ва “аёлларни йўлдан урувчи хуштор” каби метафорик идиоматик қўшма сўзлар мисолида кўзга ташланади.

2. Экзоцентрик идиоматик қўшма сўзларнинг тўлиқсиз ва тўлиқ даражаланиши “X билан алоқадор шахс” инвариант пропозициясининг метонимик, конверсив ва метафорик вариантланиши билан боғлиқ ҳолда содир бўлади:

а) “X қисм билан симметрик алоқадор шахс” пропозициясига асосланган идиоматик қўшма сўзларда “шахс” концептига хос метонимик моҳият компонентлардан бирида, яъни иккинчи қисмда мужассамланган бўлади. Шунга кўра: *master-hand* (моҳир қўл), *blue-eyed* (кўк кўз), *deck-hand* (палуба матроси); *тақир бош*, *ўтқир зеҳн*, *калта фаҳм*, *қора тан*, *қизилбош* кабиларни тўлиқсиз дейиш мумкин;

б) “X га ўхшаш шахс” пропозициясига асосланган идиоматик қўшма сўзларда эса “шахс” концепти икки компонентда метафтонимик уйғунликда ифодаланади. Шунга кўра, тажрибасиз ҳайдовчини *road-hog* (кўча тўнғизи), суюкли қиз, аёлни *sweetheart* (ширин юрак), *sweetmeat* (ширин эт) тарзида ифодаланишини ҳамда *метин ирода*, *очиққўл*, *каттаогиз*, *шўртумишук*, *безбет*, *биткўз* каби метафтонимик номинантларни тўлиқ идиоматик қўшма сўзлар дейиш мумкин;

в) “X билан асимметрик алоқадор шахс” пропозициясига асосланган идиоматик қўшма сўзлар шахс концептини асос структурада метоконверсив уйғунлаштирган (ёки “метоконверсив”) ҳолда ифодаланиши билан характерланади. Шунга кўра: *half-breed* (метис), *hell-hound* (аламзада), *cut-throat* (каллакесар), *pickpocket* (чўнтаккесар), *dare-devil* (довюррак), *lickspittle* (лаганбардор), *go-between* (воситачи, даллол) *first-born* (тўнғич фарзанд) ҳамда *ишбилармон*, *бузоқбоқар*, *каллакесар*, *чўнтаккесар*, *ўринбосар*, *изкувар* кабиларни тўлиқ идиоматизациялашган идиоматик қўшма сўзлар сифатида ажратиш мумкин.

## ХУЛОСА

1. Иккиламчи номинатив воситаларнинг лингвокогнитив асосларини белгилаш мақсадида нарса ва ном муносабатига доир мунозаралар натижаларини қиёсий таҳлил қилиш асосида лингвокогнитив фаолиятнинг рационал-генератив ва эмпирик-рационал тамойиллар асосида талқин этилиши аниқланди ва улардан “борлиқ - туғма қобилият - сезгилар - ақл-идрок – тушунча – сўз/тил” изчиллигига асосланувчи эмпирик-рационал тамойил мазкур тадқиқот учун асос қилиб олинди.

2. Инсон тафаккур фаолиятининг когнитив ва тил босқичларида ҳиссий образ ва тасаввурларга асосланувчи образли концептлар, уларга рационал ишлов бериш натижасида образсиз концептнинг ҳосил қилиниши, уларнинг нутқ онтогенезига оид “диффуз ном”ларда ўз ифодасини топиши ҳамда

иккиламчи номлаш жараёнининг ўз функционал фаоллигига эга бўлиши ва унинг дискурсив-синергетик жараён механизмини тақозо этиши ҳақидаги таҳлилий мулоҳазалар баён қилинди.

3. Нутқ онтогенезига оид “диффуз ном”лар, туб ва ясама сўзларнинг қиёси орқали уларнинг мақсад ва манба мақомидаги концептларнинг атомар предикат воситасида вужудга келтириладиган “X билан алоқадор Y” пропозиция, когнитив-дискурсив қурилма ёки идрокий когнитив модел деб номланувчи восита нуқтаи назаридан муштараклиги аниқланди. Ушбу муштаракликлар эътиборга олингани ҳолда, номинацияни диахрон ва синхрон фазалар эволюцион изчиллиги асосида эмас, балки ҳар бир тил соҳиби ўз лисоний фаолияти мобайнида босиб ўтиши шарт бўлган когнитив ва концептуал фазалар дискурсив-синергетик изчиллигига асосланувчи фаолият сифатида тадқиқ этиш талаб қилинади.

4. Иккиламчи номинатив бирликлардан фарқли равишда диффуз ва туб номлар бевосита лексик ва конструктив концептларни ҳосил қилиш билан алоқадор бўлиб, объектни номлаш баробарида когнитив-дискурсив тузилма ва идрокий когнитив модел деб номланувчи типик воситаларни ҳам шакллантириши уларнинг когнитив фазага мансублигидан дарак беради. Қайд этилган когнитив-дискурсив тузилма ва идрокий когнитив моделларнинг мавжуд иккиламчи номинатив бирликларни ҳосил қилишда тайёр концептлар деривацион бирикувини ташкил қилувчи прототип восита сифатида иштирок этиши эса ушбу номинантларнинг иккиламчилиги ва концептуал фазага дахлдорлигини кўрсатади.

5. Диссертацияда “X билан алоқадор Y” пропозициясига асосланувчи идрокий моделларнинг иккиламчи номинатив воситалардаги когнитив ва концептуал татбиқлари инглиз ва ўзбек тилларидаги “*man/одам*” концептосферасига мансуб “X билан симметрик алоқадор шахс/жамоа” пропозитив вариантларнинг қиёсий таҳлили асосида ёритилди. Хусусан, когнитив метонимия: 1) диффуз номларни ҳосил қилиш баробарида “X билан алоқадор Y” пропозициясига асосланувчи идрокий когнитив моделларни ҳамда бутун-қисм муносабатига асосланадиган номинатив маънони ҳосил қилиш ваоситаси сифатида; 2) борлиқни жинс-тур, бутун-қисм муносабатига асосланган категория ва концептосфералар кўламида тасаввур қилиш имконини яратиши кабиларда кўзга ташланади. Концептуал метонимия эса, тилда мавжуд бўлган концептлар деривацион комбинацияси асосида “X билан симметрик алоқадор шахс/жамоа” прототип моделидаги метонимик номинантларни ҳосил қилиши орқали намоён бўлади.

6. Когнитив метафора: а) инсонга ўз хаёлий оламини яратиш, борлиқни қиёсий англаш, таснифлаш имконини тақдим этиши, б) номинатив ва коммуникатив фаолиятлар учун зарур бўлган аналогик андозаларни шакллантириши кабиларда кўзга ташланади. Концептуал метафора эса, “X га ўхшаш шахс, жамоа” пропозитив моделидаги номинатив чатишмаларни вужудга келтириши орқали намоён бўлади.

7. Когнитив конверсия: а) борлиқнинг когнитив ва лисоний манзарасини “Х билан асимметрик алоқадор Y” моделида шакллантириш, б) нутқнинг синтагматик “скелет”ини тақозо этувчи семантик-синтактик валентликни вужудга келтириш кабиларда намоён бўлади. Концептуал конверсия эса “Х билан асимметрик алоқадор шахс/жамоа” моделидаги конверсив номинантларни вужудга келтириши орқали кўзга ташланади.

8. Форматив ва композитив каби лексик номинантлар ушбу семантик воситаларнинг конфигуратив ҳамкорлиги асосида “Х билан симметрик алоқадор шахс, “Х билан асимметрик алоқадор шахс” ва “Х га ўхшаш шахс” пропозитив моделларининг прототиплари бўлган номинантларни ҳосил қилиши билан характерланади.

9. Диссертациядан ўрин олган ушбу илмий натижаларнинг истиқболдаги аҳамияти филология таълим йўналишлари талабалари ва мутахассислари учун ўқув адабиётлари яратишда “сўз ясаши” ўрнига “номинатив деривация” мавзусини киритиш ва талабаларга номинатив деривация ҳақида уйғунлашган билим бериш орқали лингвистиканинг замонавий йўналишлари билан боғланиш имконини яратишида кўзга ташланади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.12.2019.Fil/Ped.83.01 ПО  
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ САМАРКАНДСКОМ  
ГОСУДАРСТВЕННОМ ИНСТИТУТЕ ИНОСТРАННЫХ ЯЗЫКОВ**

---

**САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ИНСТИТУТ  
ИНОСТРАННЫХ ЯЗЫКОВ**

**РАХИМОВ АБРОР АХМАДОВИЧ**

**ИССЛЕДОВАНИЕ ЛИНГВОКОГНИТИВНЫХ СРЕДСТВ,  
ФОРМИРУЮЩИХ ВТОРИЧНЫЕ НОМИНАТИВНЫЕ ЕДИНИЦЫ  
(На примере английского и узбекского языков)**

**10.00.06 – Сопоставительное литературоведение, сравнительное языкознание и  
переводоведение**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ФИЛОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Тема докторской диссертации зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан (рег. № В2018.1.PhD/Fil473).**

Диссертация выполнена в Самаркандском государственном институте иностранных языков. Автореферат диссертации на трёх языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.samdchti.uz](http://www.samdchti.uz)) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)).

**Научный руководитель:** Сафаров Шахриёр Сафарович  
доктор филологических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** Ризаев Баходир Хайдарович  
доктор филологических наук, профессор  
Даниева Майсара Джамаловна  
PhD, доцент

**Ведущая организация:** Ташкентский государственный университет  
узбекского языка и литературы

Защита диссертации состоится «12» августа 2020 года в 14<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета PhD.03/30.12.2019.FiL/Ped.83.01 при Самаркандском государственном институте иностранных языков. Адрес: 140104, Узбекистан, Самарканд, улица Бустонсарой, д. 93. Тел: (99866) 238-29-37; факс (99878) 210-00-18; e-mail: [info@samdchti.uz](mailto:info@samdchti.uz)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного института иностранных языков (зарегистрирована под № \_\_ ). Адрес: 140104, Узбекистан, Самарканд, улица Бустонсарой, д. 93. Тел: (99866) 238-29-37.

Автореферат диссертации разослан «29» июля 2020 г.  
(реестр протокола рассылки № 4 от «29» июля 2020 г.)



**И.М. Тухтасинов**

Председатель Научного совета по присуждению учёных степеней, док. пед. наук, доцент

**А.А. Яхшиев**

Ученый секретарь Научного совета по присуждению учёных степеней, канд. филол. наук, доцент

**Н.К. Турниязов**

Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, док. филол. наук, профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы исследования.** В мировом языкознании, возникшие вслед за системно-структурной лингвистикой, такие современные направления, как генеративная теория, психолингвистика, лингвокогнитология, лингвокультурология, прагмалингвистика и компьютерная лингвистика, основанные на антропоцентричном подходе и методах исследования, демонстрируют невозможность получения целостной картины языковой деятельности человека лишь посредством лингвистического анализа единиц языка и речи. Согласно этим подходам, одним из важных условий антропоцентрической интерпретации языковой деятельности является привлечение к процессу исследования результатов и достижений, полученных в рамках гуманитарных наук, а также изучение средств, обеспечивающих эффективную реализацию языковой деятельности.

Опыт мировой лингвистики свидетельствует о необходимости исследования лингвокогнитивных средств вследствие того, что когнитивные способности человека, основанные на принципе "от одного к другому", наделены собственной функциональной активностью, а данный принцип реализуется в рамках "дискурсивно-синергетического" процесса, который совместно с концептами, выступающими в статусе источника и цели номинации, находят – в рамках когнитивной интеграции – свое отражение в идеальной когнитивной модели (ИКМ).

Независимость, наряду с созданием всех необходимых условий для развития национального языкознания на основе передовых мировых критериев, также обязывает соотносить их с нашим собственным многовековым опытом познания. Это обстоятельство требует осмысления не только рассматриваемых в современных научных направлениях лингвокогнитивных средств языковой деятельности, но и взглядов наших великих предков, таких как Фараби и Ибн Сина, на традиционные эволюционные теории номинаций, а вместе с тем и учения В. фон Гумбольдта, идеи которого во многом смыкаются с их взглядами, а также последующих психолингвистических и лингвокогнитивных исследований. Для проведения исследования такого масштаба, позволяющего установить лингвокогнитивные основы средств, образующих вторичные номинанты, к исследованию необходимо привлечь не только номинанты, существующие в языке, но и диффузные имена, связанные с онтогенезом речи. Учитывая актуальность в нашей стране задачи по организации обучения иностранным языкам на основе международных программ, востребованными могут оказаться подобные идеальные когнитивные модели, дискурсивно-синергетические механизмы и модели.

Результаты подобного сопоставительного исследования также способствуют достижению задач, обозначенных в Указе Президента Республики Узбекистан Ш.М.Мирзиёева "Об утверждении Концепции развития системы высшего образования Республики Узбекистан до 2030 года", а именно "внедрение передовых стандартов высшего образования, в

частности поэтапный переход от образования, учебные программы которого направлены на получение теоретических знаний, к системе образования, направленной на формирование практических навыков, исходя из международного опыта"<sup>1</sup>.

Настоящее исследование в определенной степени служит реализации задач, обозначенных в Постановлениях Президента Республики Узбекистан ПП-3775 "О дополнительных мерах по повышению качества образования в высших образовательных учреждениях и обеспечению их активного участия в осуществляемых в стране широкомасштабных реформах" от 5 июня 2018 года и ПП-2909 "О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования" от 20 апреля 2017 года, в Указе Президента Республики Узбекистан №УП-8547 "Об утверждении концепции развития системы высшего образования Республики Узбекистан до 2030 года" от 8 октября 2019 года и других нормативно-правовых документах, относящихся к данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологии Республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан: I. «Формирование системы инновационных идей и пути их реализации по социальному, правовому, экономическому, культурному, духовно-просветительскому развитию информационного общества и демократического государства».

**Степень изученности проблемы.** Первые попытки раскрыть тайны в сфере номинации, неразрывно связанные с лексическими единицами языка, были предприняты еще в античной лингвистике в исследованиях отношений между предметом и его наименованием, и продолжают до сих пор. Свои соображения по данному вопросу также высказывали наши великие мыслители, такие как Фараби, Беруни, ибн Сина, а также философы средневековой Европы. Философский взгляд на соотношение языковых способностей человека и его речевой деятельности неразрывно связан с именем В. фон Гумбольдта<sup>2</sup>.

Важными источниками также являются исследования лингвопсихологических основ номинации, которые проводили А.А.Потебня, Л.С.Выготский, А.Р.Лурия<sup>3</sup>, работы таких исследователей, как Н.Хомский, В.Эванс, Ж.Лакофф, М.Джонсон, А.А.Уфимцева, Н.Д.Арутюнова, А.Г.Гак, Н.В. Телия, Е.С. Кубрякова, Н.Н. Болдырев, А.Ходжиев, У.К.Юсупов, М.М.Миртоджиев, Н.Махмудов, Ш.Сафаров, направленные на изучение

<sup>1</sup> Указ Президента Республики Узбекистан Ш.М.Мирзиёев №УП-5847 "Об утверждении Концепции развития системы высшего образования Республики Узбекистан до 2030 года" 08.10.2019 г. Режим доступа <https://lex.uz/ru/docs/4545887>

<sup>2</sup> Аль-Фараби Абу Наср Мухаммед. О разуме и науке. - Алма-Ата: Наука, 1975. - 136 с.; Сина ибн. Избранные философские произведения. - М.: Наука, 1980.- 554 с.; Гумбольдт В. Язык и философия культуры. М.: Прогресс, 1985. - 452 с.

<sup>3</sup> Потебня А.А. Из записок по русской грамматике// Хрестоматия по истории русского языкознания. - М.: Высшая школа, 1973. - 274 с.; Выготский Л.С. Мышление и речь. Изд. 5, испр. - М.: Лабиринт, 1999. — 352 с.; Лурия А. Р. Язык и сознание./ Под редакцией Е. Д. Хомской. — М: Изд-во Моск. ун-та, 1979 - 320 с.



критериев, принципов деривации, рационально-генеративных и лингвокогнитивных основ номинативной деятельности, а также диссертационные исследования номинативной деятельности<sup>4</sup>.

**Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация.** Диссертационное исследование выполнено в рамках плана научно-исследовательских работ Самаркандского государственного института иностранных языков «Коммуникативные аспекты современной лингвистики и лингводидактики».

**Целью исследования** является изучение лингвокогнитивных средств, образующих вторичные номинативные единицы, в их связи с когнитивными и концептуальными этапами номинативной деятельности.

**Задачи исследования** состоят в следующем:

обобщение научных исследований критериев функционирования и деривации вторичных номинативных средств и на этой основе анализ наиболее перспективных идей;

выделение идеальных когнитивных моделей, обеспечивающих дискурсивно-синергетическую согласованность, характерную для когнитивной и концептуальной фазы номинации, на основе сопоставления коренных слов, рассматриваемых в психолингвистических и лингвокогнитивных исследованиях онтогенеза речи, результатов анализа диффузных имен и вторичных номинативных единиц;

отбор и систематизация лексических и семантических номинантов, относящихся к концептосфере "man/одам" в английском и узбекском языках;

